



ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 119 (1445), 2025 йил 12 июнь, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ХОРИЖЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШДА МУТЛАҚО ЯНГИ ФОРМАТГА ЎТИЛАДИ

11 июнь куни Халқаро конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.



Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган тадбирда Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, “Masdar”, “Indorama”, “ACWA Power”, “Vision Invest”, “DataVolt”, “Veon”, “Boeing”, “Air Products”, “SpaceX”, “Meta”, “John Deere”, “Franklin Templeton”, “Suez”,

“EDF”, “Total Energies”, “Volitalia”, “Orano”, “Linde”, “Claas”, “Sojitz”, “Bomi”, “OTP Bank”, “Goldwind”, “Calik”, “Çengiz”, “Aksa”, “JBIC” каби етакчи компания ва банклар раҳбарлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари — Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт

ташкilotи, Халқаро молия корпорацияси, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ва Халқаро ислон савдо-молия корпорацияси вакиллари иштирок этди.

➔ Давоми 2-бетда

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо бошчилигидаги делегация билан учрашувда Ўзбекистон ушбу нуфузли халқаро молиявий

яна 1,1 миллиард евро жалб қилиш режалаштирилган бўлиб, унинг катта қисми хусусий секторни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Сув таъминоти тизимини технологик жиҳатдан модернизация қилиш, энергия самардорлигини ошириш дастурини илгари суриш, ипотека бозорини, эркин



институт ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Қўшма лойиҳалар портфели кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди: ЕТБнинг Ўзбекистонга инвестициялари 5,5 миллиард евродан ошди. Жорий йилда

Шериклик стратегияси самарали амалга оширилмоқда. ЕТБнинг фаол қўлмаги билан банк соҳаси трансформация қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳамкорлик натижадорлигини ошириш муҳимлигини таъкидлаб, унинг асосий устувор йўналишлари кўрсатиб ўтди.

иқтисодий зоналар инфратузилмасини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес имкониятларини кенгайтириш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар шулар жумласидан.

Таълим ва тиббиёт соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ УЧИНЧИ МАЖЛИСИ ДОИРАСИДАГИ САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июнь куни Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи мажлиси доирасида бир қатор нуфузли ташкилотлар раҳбарлари бошчилигидаги делегация вакилларини қабул қилди.



илгари суриш, сунъий интеллектни жорий қилиш ва рақамли трансформацияга қаратилган стартапларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ломбардия Италиянинг аҳолиси энг кўп ва йирик ҳудудларидан бири бўлиб, Европанинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган вилоятлари қаторига киради.

Ломбардия вилояти губернатори Аттилио Фонтана бошчилигидаги делегация билан учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестиция-

Бугунги кунда мамлакатимизда Ломбардия компаниялари билан ҳамкорликда помидор, заъфарон етиштириш, нотўқима мато ва трикотаж, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тайёр текстиль, автоэлектроника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, жамоат транспортини ривожлантириш ва бошқа лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

ўтказиш, савдо уйи очиш ва “Uzbek Organic” бренди остида экспорт линиясини ишга туширишга келишиб олинди.

Маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш мақсадида 2026 йилда Миланда Ўзбекистон музейларининг кўргазмасини ташкил этиш масаласи ўрганилмоқда.

Губернатор, ўз навбатида, Ломбардия ишбилармон доираларининг лойиҳа ва ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани учун



вий шерикликни ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Яқинда Самарқанд шаҳрида Бош вазир Жоржа Мелони билан ўтган музокараларнинг натижалари, улар домида ҳудудлараро алоқаларни қўллаб-қувватлашга келишиб олингани катта мамнуният билан қайд этилди.

Қўшма лойиҳалар портфелини кенгайтириш, Италиянинг илгор технологиялари ва инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларига янада кенг жалб қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Милан шаҳрида Ўзбекистоннинг саноат ва экспорт салоҳияти кўргазмасини

Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон ҳудудлари билан кенг қўламли шерикликни йўлга қўйишга ҳар томонлама қўмаклашишга тайёрлигини тасдиқлади.

➔ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари! Ҳурматли Одиль Рено-Бассо хоним! Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида сизлар билан учрашиб турганимдан беҳад хурсандман.

Биз кеча Халқаро инвестиция форумида иқтисодиётимизни янада ривожлантириш масалаларини, стратегик аҳамиятга эга бўлган йўналишларни атрафлича муҳокама қилдик.

Бугун эса сизлар билан тажриба алмашиш, аниқ лойиҳаларингизни амалга ошириш, янги ташаббус ва таклифлар

бўйича яқиндан маслаҳатлашиб оламиз. Бундай форматдаги дўстона мулоқотларимиз ўзининг амалий натижадорлиги, янги-янги лойиҳаларни рўйбга чиқаришга қўшаётган беқиёс ҳиссаси билан алоҳида ажралиб туради.

Авалги учрашувларимиз ўз самарасини бера бошлади. Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

Халқаро молия ташкилотлари билан мутлақо янгича ишлашга ўтиб, аниқ натижага қаратилган самарали ҳамкорлик тизимини жорий этдик. Хусусан, Европа

тикланиш ва тараққиёт банки ўтган йили Ўзбекистонга рекорд миқдорда — 1 миллиард долларга яқин инвестиция киритди. Мамлакатимиз ушбу банкнинг минтақадаги энг йирик ҳамкорига айланди.

Бундай ютуқларимизда Рено-Бассо хонимнинг улкан ҳиссаси борлигини, албатта, яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Яна бир бор сизга ўз миннатдорлигини билдираман.

Шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг хусусий сектор билан ҳамкорлиги кескин кучайиб, улар бир қатор

илгор корхоналарга тўғридан тўғри инвестициялар киритишди. Жумладан, бир йил давомида уларнинг хусусий компания ва банклар билан қўшма лойиҳалари ҳажми 1 миллиард доллардан ортди.

Яна бир йўналиш. Бугун бу учрашувда қатнашаётган компаниялар “яшил” энергия, чиқиндиларни қайта ишлаш, электр энергиясини сақлаш, “яшил” водород ишлаб чиқариш каби илгор соҳаларда янги лойиҳаларни бошлаганини алоҳида таъкидламоқчиман.

➔ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Россия етакчиси ва кўп миллатли халқини яқинлашиб келаётган давлат байрами — Россия кунини билан самимий табриқлади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро товар айирбошлаш суръатини сақлаб қолиш ва саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мувофиқлаштирилган чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Икки мамлакат ҳудудлари даражасидаги фаол алмашинувлар ва амалий ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Россияда маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Бу борада “ACWA Power”, “Masdar”, “Linde”, “Shanghai Environment”, “Total Energies” сингари етакчи компаниялар 8 миллиард доллардан зиёд инвестиция киритиб, “яшил” иқтисодийтни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Рақамли технологиялар соҳасида ҳам дунё тан олган нуфузли компаниялар юртимизга жадал кириб келмоқда. Айниқса, “Data Volt” компанияси минтақадаги энг йирик “яшил дата марказ”ни, “Veon” компанияси сунъий интеллектга асосланган мобил суперилловани яратиш бўйича лойиҳаларни бошлагани бизни жуда қувонтиради.

Хеч шубҳасиз, бундай лойиҳалар келажакнинг мустақам пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Буни хорижий инвесторларнинг ислохотларимизга бўлган юксак ишончи, очиклик сиёсатимизнинг яққол мисоли, деб биламан.

Кенгашимиз аъзолари бўлган Халқаро молия корпорацияси, “Ernst & Young”, “Dentons”, “Knauf”, “TBC” каби компаниялар миллий қонунчиликни халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар берди. Сизларнинг янги ташаббус ва ғояларингиз 10 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорларимизда ўз аксини топди.

Умуман олганда, юртимизда ишлаган инвесторларнинг фаолияти ошиб, сўнгги икки йилда чет эл капитални янги инвестицияга 5,5 мингта янги корхона ташкил этилди. Уларнинг умумий сони 16 мингтага етди.

Хурматли дўстлар!

Биз бугунги учрашувга мутлақ бошқача тайёргарлик кўрдик.

Хорижий корхоналар билан бирма-бир гаплашиб, билдирилган 40 дан зиёд ташаббусларни саралаб олдик. Жумладан, сармоядорлар солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлаш, тўғридан тўғри амал қиладиган қонунларни кўпайтириш, инфратузилма соҳаларида хусусий сектор улшини ошириш бўйича тақлифларни бердилар.

Биз уларнинг барчасини албатта, инobatта олашимиз ва Кенгаш аъзолари билан ҳар бир тақлиф устида жиддий ишлаяёмиз. Масалан, 2028 йилга қадар бизнес учун асосий солиқ ставкалари ўзгармаслигини эълон қилдик. Жорий йилда йўл, транспорт, энергия, сув, ирригация соҳаларида қарийб 4,5 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошладик. Халқаро молия ҳисоботлари стандартларига ўтиш ҳамда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарувни жорий этиш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Кўп мунозабатлар электр тармоқлари ва улашим бўйича келиб тушди. Бунда, албатта, энг илгор хорижий тажрибадан фойдаланишимиз шарт ва зарур. Шунинг учун бу борада Кенгашимиз қолганда алоҳида ишчи гуруҳ тузиб, аниқ механизмларни ишлаб чиқишни тақлиф қиламан.

Тушган тақлифлардан келиб чиқиб, гаров тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, хорижий компаниялар учун профессионал кадрларни тайёрлаш, маҳаллий компанияларда корпоратив бошқарувни яхшилаш, солиқ маъмуричилиги бўйича қўшимча ишчи гуруҳлар ташкил этилади.

Ўтган йилги ишларимизда кун тартибидеги энг долзарб йўналишларда — рақамлаштириш, масъулиятли бизнес юритиш ва муқобил инвестиция бўйича ишчи гуруҳлар тузиб олган эдик. Бугун

уларнинг тақдимотлари билан танишамиз.

Яна бир муҳим масала. Охириги бир йилда Кенгашимиз иши кескин фаоллашди. Шу билан бирга, Кенгаш котибяти нафақат инвестиция вазирилик билан, балки бошқа вазирилик ва идоралар, халқаро ташкилот ва инвесторлар билан ҳам бевосита ишлаётди. Шунинг учун Котибиятнинг мустақиллигини ошириб, уни алоҳида юридик шахс сифатида қайта ташкил этишга, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бу масала бўйича ҳам сизларнинг фикрларингизни билмоқчи эдим.

Азиз дўстлар!

Бугун бўлиб ўтган сермаҳсул мулоқотларимиздан жуда мамнунман. Очигини айтганда, сизлардан мана шундай жўшқин ва амалий фикрларни кутган эдим.

Ҳар бир тақлиф ва мулоҳаза батафсил кўриб чиқилади.

Ҳукуматимиз томонидан алоҳида “йўл харитаси” қабул қилинади. **Яна бир бор таъкидламоқчиман: биз инвесторлар учун очик, эркин, барқарор ва ишончли мамлакат — Янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз.**

Бу йўлда бошлаган ва ортга қайтмас тус олган ислохотларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттираёмиз.

Сизларни юртимизга шунчаки сармоя киритишга эмас, балки муваффақиятнинг тарихининг чинакам иштирокчиларига, биз яратётган буюк келажакнинг ажралмас қисмига айланмишга чорлаймиз.

Муштарак интилиш ва сый-ҳаракатларимиз орқали ҳар бир лойиҳа самарали ҳамкорлигимизнинг ёрқин намунасига айланмишга ишонаёмиз.

Ҳаммангизга бу эзгу йўлда катта ютуқ ва янги омадлар тилайман.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ХОРИЖЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШДА МУТЛАҚО ЯНГИ ФОРМАТГА ЎТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Кенгашнинг асосий вазифалари муваффақиятли тажриба ва жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда мамлакатни инвестициявий, саноат-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳат бериш ҳамда Ўзбекистон Ҳукумати билан хорижий инвесторлар ўртасида очик мулоқотни таъминлашдан иборат.

Давлатимиз раҳбари мажлисни очар экан, кунга кеча ўтган тўртинчи Тошкент инвестиция форумининг самарали натижаларини қайд этди ҳамда кенгаш аъзоларига Янги Ўзбекистон тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ва кўмағи учун миннатдорлик билдирди.

Кенгашнинг аввалги йиғилишлари натижадор бўлгани мамнуният билан қайд этилди. Хусусан, халқаро молия ташкилотлари билан ишлашнинг мутлақо янги форматига ўтиди, самарали ҳамкорлик тизими жорий этилди, ўзаро манфаатли шериклик тармоқлари кенгайди.

Жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўтган йили Ўзбекистонга рекорд миқдорда — қарийб 1 миллиард доллар инвестиция киритди. Мамлакатимиз банкнинг минтақадаги энг йирик ҳамкорига айланди.

Шунингдек, халқаро молия ташкилотларининг хусусий сектор билан ҳамкорлиги сезиларли даражада кучайди. Хусусий компания ва банклар билан қўшма лойиҳалар ҳамжи 1 миллиард доллардан ошди.

Бу галги мажлисда иштирок этаётган компаниялар “яшил” энергетика, чиқиндиларни қайта ишлаш, электр энергиясини сақлаш, “яшил” водород ишлаб

чиқариш ва бошқа соҳаларда янги лойиҳаларни бошлади.

Хусусан, “ACWA Power”, “Masdar”, “Linde”, “Shanghai Renewable Energy” ва “Total Energies” компаниялари 8 миллиард доллардан зиёд инвестиция киритиб, “яшил” иқтисодий ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистоннинг рақамли технологиялар соҳасига жаҳонга машҳур нуфузли компаниялар ҳам фаол кириб келмоқда. “Data Volt” компанияси минтақадаги энг йирик “яшил” маълумотлар марказини барпо этиш, “Veon” эса сунъий интеллектга асосланган мобил суперилловани яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширмоқда.

— Буни хорижий инвесторларнинг ислохотларимизга бўлган юксак ишончи, очиклик сиёсатимизнинг яққол мисоли, деб биламан, — деди Президент.

Кенгашга аъзо Халқаро молия корпорацияси, “Ernst & Young”, “Dentons”, “Knauf” ва “TBC” компаниялари томонидан миллий қонунчиликни халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлифлар билдирилди. Уларнинг янги ташаббус ва ғоялари 10 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорларда ўз ифодасини топди.

Давлатимиз раҳбари бизнес учун базавий солиқ ставкалари 2028 йилгача ўзгармаслигини маълум қилди.

Умуман, инвестиция муҳити яхшилангани натижада сўнгги икки йилда юртимизда хорижий капитал иштирокида 5,5 мингта янги корхона ташкил этилиб, уларнинг сони 16 мингтага етди.

Қайд этилганидек, бугунги учрашувга тайёргарлик доирасида хорижий ҳамкорларнинг 40 дан ортиқ ташаббуслари саралаб олинди. Хусусан, инвесторлар томонидан солиқ қонунчилиги барқа-

дорлигини таъминлаш, тўғридан тўғри амал қилувчи қонунлар сонини кўпайтириш, инфратузилма лойиҳаларида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш бўйича тақлифлар билдирилди.

Жорий йилда йўл қурилиши, транспорт, энергетика, сув таъминоти, ирригация ва бошқа соҳаларда қарийб 4,5 миллиард долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бошланган. Молиявий ҳисоботнинг, шунингдек, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича маъбрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Келиб тушган тақлифлар асосида гаров тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, хорижий компаниялар учун профессионал кадрлар тайёрлаш, маҳаллий компанияларда корпоратив бошқарувни яхшилаш, солиқ маъмуричилиги бўйича қўшимча ишчи гуруҳлар ташкил этилади.

Кенгаш Котибиятининг мустақиллигини ошириш ва уни алоҳида юридик шахс сифатида қайта ташкил этиш тақлиф этилди.

Сўзга чиққан кенгаш аъзолари Янги Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотлар дастури натижаларини юқори баҳолади. Давлатимиз раҳбарига инвестициявий фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга қатъий интилиши учун миннатдорлик билдирди.

Ҳукуматга барча ташаббусларни батафсил кўриб чиқиш ва уларнинг амалий ижросини назоратга олиш топширилди. Шунингдек, ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида “йўл харитаси” қабул қилиш юзасидан кўрсатма берилди.

ЎЗА

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ УЧИНЧИ МАЖЛИСИ ДОИРАСИДАГИ САМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Бошланиши 1-бетда

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Атилио Фонтанага 2026 йилда Милан шаҳрида бўлиб ўтадиган қишки Олимпиадага тайёргарлик кўриш ва унга ўтказишда муваффақиятлар тилади.

Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегация билан учрашувда “Amea Power”, “Etihad Water & Electricity”, “TAQA Water Solutions”, “AD Ports” ва “Masdar” компаниялари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Учрашув аввалида вазир давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён, Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад Ол Мактум, Вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён ва Абу-Дабби Амирлиги валиаҳди Шайх Холид Ол Наҳаённинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил январь ойидаги БААга ташрифи якунида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон — БАА стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳамжи, қўшма корхоналар ва тўғридан тўғри авиақатновлар сони ошмоқда.

Амирликларнинг етакчи компаниялари иштирокидаги лойиҳалар портфели 20 миллиард доллардан ортди. Тўртинчи Тошкент инвестиция форуми доирасида БАА компаниялари билан қатор янги келишувлар имзоланди.

Энергетика, транспорт, логистика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, шаҳарсозлик, сув таъминоти ва бошқа йўналишлардаги йирик лойиҳаларни жадаллаштиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон — Саудия Ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси Муҳаммад Абунайнан бошчилигидаги йирик компаниялар делегацияси билан учрашувда “Vision Invest” ва “Riyadh Cables” компаниялари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Ушбу мамлакат ишбилармонлари билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва юртимиздаги устувор лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Саудиянинг “ACWA Power” ва бошқа компаниялари билан сермаҳсул шериклик йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди.

Бугунги кунда қўшма лойиҳалар портфели 24 миллиард долларга етган. “Яшил” энергетика соҳасидаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятида “яшил” водород ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Электр тармоқларини модернизация қилиш, электротехника sanoatини ривожлантириш, ахборот технологиялари, транспорт, коммунал хўжалиги ва бошқа йўналишлардаги лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Хитойнинг “China State Construction”, “China General Nuclear Power”, “CAMCE”, “Goldwind” ва “ZTO Express” компаниялари раҳбарлари билан учрашувда Хитой бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши ҳар доимгидек юқори эканини мамнуният билан қайд этди. Ўтган йилнинг ўзида ушбу мамлакатдан жалб қилинган инвестициялар ҳамжи 10 миллиард доллардан ошди.

“China State Construction” компанияси директорлар кенгаши раиси Чжен Сюэсюан билан суҳбатда Тошкент шаҳрида йўл инфратузилмасини модернизация қилиш борасидаги ҳамкорлик натижалари юксак баҳоланди. Тошкент шаҳрида маданият объектларини ташкил этиш бўйича истиқболли режалар муҳокама қилинди.

Тошкент вилоятида саноат зонасини барпо этиш лойиҳасини бошлаш ҳамда компания автомобил йўллари қурилишида иштирок этиши тўғрисида келишиб олинди.

“China General Nuclear Power” корпорацияси раиси Ян Чанли билан музокарада тоғ-кон sanoatида шерикликни мустақамлаш масалалари диққат марказида бўлди. Геология-қидирув ишларини жадаллаштириш ва янги конларни ўзлаштиришга қизиқиш билдирилди. Компаниянинг гибрид куёш электр станциясини қуриш ва божхона юкларини сканерлаш технологияларини жорий қилиш режалари кўллаб-қувватланди.

“CAMCE” корпорацияси раиси Ван Бо билан пойтахтимизда Олимпиа шаҳарчасини барпо этиш бўйича биргаликда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Компания бошқарувида Тошкент шаҳридаги

“Янги авлод” индустриал технопарки жадал ривожланаётгани қайд этилди.

Қўшма ташаббуслар портфелини кенгайтириш, хусусан, электр энергетикаси ва Янги Тошкент шаҳрини инфратузилмавий ривожлантириш лойиҳаларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

“Goldwind” компанияси раиси Ван Ганг билан компаниянинг “яшил” энергетикани ривожлантиришдаги иштироки юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда компания билан биргаликда шамаол электр станциялари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Шамол генераторлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва жорий лойиҳаларни фаоллаштиришга келишиб олинди. “ZTO Express” компанияси раҳбари Ху Сянлянь давлатимиз раҳбарига Ўзбекистонда товарларни божхона расмийлаштиришдан ўтказишга кўмаклашиш бўйича онлайн платформани ишга тушириш ва “ақли” логистика омборларини ташкил этиш нияти ҳақида маълумот берди.

Ўмон Султонлиги савдо, саноат ва инвестицияларга кўмаклашиш вазири Қайс бин Муҳаммад ал-Юсуф билан учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Ўмон Султони Хайсам бин Ториқ Ол Саиднинг самимий саломини етказди.

Амалий ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Тури даражалардаги фаол мулоқотлар мамнуният билан қайд этилди. Форум доирасида Ҳукуматларо комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва ишбилармон доираларнинг учрашувлари бўлиб ўтди.

Энергетика, геология, озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё sanoati, транспорт ва логистика, туризм, молия соҳаларида қўшма лойиҳаларни, шу жумладан, Ўзбекистон — Ўмон инвестиция компаниясининг фаол кўмагида илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Финляндия ташқи ишлар вазири Элина Валтонен билан суҳбат аввалида олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Финляндия Президенти Александр Стуббинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасида амалий алоқаларни мустақамлаш ҳамда

Ўзбекистон — Финляндия ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Миллий сайлов тизимини модернизация қилиш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш, гендер ва ёшлар масалалари, “яшил” кун тартиби бўйича ташкилот билан конструктив ҳамкорлик ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Иқлим хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш масалаларида эътиборни кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон — Финляндия муносабатларининг энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги кун тартиби батафсил кўриб чиқилди.

Минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди, бўлажак тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Афғонистон саноат ва савдо вазири вазирасини бажарувчи Нуриддин Азизий билан суҳбат аввалида юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон етакчисига Афғонистон раҳбариятининг самимий саломини етказди.

Савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, энергетика ва аграр соҳаларда, шунингдек, геология-қидирув ва фойдали қазилмалар борасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ишбилармонлик алоқалари фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи, қўшма корхоналар сони ортмоқда, икки мамлакат компаниялари иштирокида бизнес ташрифлари ва кўргазмалар мунтазам ўтказилмоқда. Термиз шаҳрида Халқаро савдо маркази муваффақиятли фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг май ойида Кобул ва Мозори Шариф шаҳарларида савдо уйлари очилди.

Ўзбекистон раҳбари иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини янада мустақамлаш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, “Ҳайратон” саноат марказини тез фурсатда барпо этиш, у ерда фармацевтика, мебелсозлик, тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш қувватларини жойлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Трансафғон темир йўли ва “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш линиясини

қуриш каби йирик минтақавий инфратузилма лойиҳалари кўллаб-қувватланди.

Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) бошқарувчиси Нобумицу Хаяси бошчилигидаги делегация билан учрашувда Япониянинг ушбу етакчи молиявий институти иштирокидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

JBIC мамлакатимиз иқтисодийнинг муҳим тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга ҳисса қўшаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Бугунги кунда қўшма лойиҳалар портфели, шу жумладан, нефть-кимё, тўқимачилик sanoati, энергетика, ахборот технологиялари, инфратузилма ва бошқа йўналишларда қарийб 4 миллиард долларга етди.

Янги уч йиллик ҳамкорлик дастури доирасида Япония компаниялари иштирокида “яшил” энергетика, IT, транспорт ва соғлиқни сақлаш соҳаларида кооперация лойиҳаларини тез фурсатда тайёрлаш ва илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистонда Япония халқаро университетини очиб бўйича амалий чоралар кўриш муҳимлиги қайд этилди.

Музокаралар якунида комплекс “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

“Euronews” медиа холдинги директорлар кенгаши раиси Педро Варгас билан учрашувда ушбу етакчи компания билан ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, “Euronews”нинг кенг аудиториясини Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси, мамлакатда рўй бераётган муҳим сиёсий-иқтисодий жараёнлар, шунингдек, унинг инвестицион ва туризм салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари қўшма ахборот лойиҳаларини амалга ошириш ва профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги фаол сый-ҳаракатларни, шунингдек, “Euronews” Тошкент шаҳрида ўз офисини очини режалаштираётганини олқишлади.

“Euronews Academy” дастури доирасида ўзбекистонлик журналистларни илгор профессионал стандартлар асосида ўқитиш режалари кўллаб-қувватланди.

Барча истиқболли йўналишлар бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида қўшма “йўл харитаси”ни тайёрлашга келишиб олинди.

ЎЗА

САРМОЯДОРЛАР ИШОНЧИ ВА ҚИЗИҚИШИ ОШЯПТИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИ-ЧИ?

Нодирбек РАСУЛОВ,
Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини лойиҳа раҳбари,
иктисодиёт фанлари доктори



Дунёда юз бераётган глобаллашув шароитида мамлакатнинг инвестицион муҳити қай даражада жозибador бўлиши, биринчи навбатда, ушбу йўналишдаги сиёсатни тўғри юритиш, ҳудудларда инвестицион фаолликни таъминлаш механизми ишлашига тўғридан тўғри боғлиқ.

Глобал бозор иқтисодиёти шиддат билан ривожланиб борар экан, бу, ўз навбатида, кўпгина мамлакатлар иқтисодиётига доимий равишда катта миқдорда инвестиция киритишига тақозо этади. Чунки аксар давлатларда бунинг учун ўз ички ресурслари етарли бўлмайди. Ана шунда мазкур давлатлар иқтисодиётига таъминоти янги инвестицияларни жалб этиш учун маҳаллий ва хорижий инвесторларга ҳар томонлама шароит яратишга зарурат сезилади. Бу, албатта, мамлакатдаги инвестицион муҳитнинг қандай даражада шаклланишига боғлиқ.

Умуман олганда, хорижий инвесторларга қулай инвестицион муҳит яратиш орқалигина иқтисодиётга катта миқдорда инвестицияларни жалб этиш мумкин. Дунё бозорида рақобат қоидалари тез ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда қайси бир давлат инвестицион жозибadorлик нуқтан назардан яхши шароит яратиб берса, ўша юртва хориждан кўпроқ сармоя кириб келади.

Шу боис, 2022 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида халқаро инвестиция форуми ўтказилиши йўлга қўйилди ва айни пайтда аниқлаштирилган муҳим ўзгаришлар билан 2023 йилнинг 27-28 апрель ҳамда 2024 йилнинг 2-3 май кунлари Тошкент шаҳрида халқаро инвестиция форуми ўтказилган. 2022 йилги биринчи форумда 7,8 миллиард АҚШ доллари тенг шартнома ва инвестициявий битимлар пакети имзоланган эди. Шунингдек, қиймати 3,5 миллиард АҚШ долларилик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастлабки келишувларга эришилган. Жаҳоннинг 56 мамлакатидан йирик инвесторлар ва юқори мартабали меҳмонларни бirlаштирган, 2 мингдан ортиқ иштирокчи қатнашган.

2023 йилда бўлиб ўтган иккинчи форумда 70 дан ортиқ давлатдан 2,5 мингга яқин вакил иштирок этган. Форум доирасида хорижий шерикларга Ўзбекистон ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва 160 дан ортиқ йирик лойиҳа тақдимот қилинган. Форумнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий алоқалар соҳасида катта натижага эришиш ҳамда ривожланган компаниялар мисолида тажриба ва билимлар алмашиш, шунингдек, ҳамкорлик географиясини кенгайтириш эди.

Ўтган йили ўтказилган учинчи форумда 84 та давлатдан қарийб 2500 киши, жумладан, БМТ, ЕТТБ, ОПЕК, ШХТ каби халқаро ташкилотлардан меҳмонлар қатнашди. Форумда жами қиймати 26,6 миллиард АҚШ доллари тенг келишувлар имзоланди. Натижада форум глобал мулоқот ва инвестициявий соҳадаги илгор тажриба алмашиш майдонига айланди.

Ўтказилган халқаро даражадаги инвестицион форум, унда келишилган шартнома ҳамда амалга оширилган инвестициявий лойиҳалар эвазига 2024 йилда мамлакатимиз янги ички маҳсулоти 6,5 фоиз ошиб, 115 миллиард долларга етди. Хорижий инвестиция 1,6 баробар ўсиб, қарийб 35 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Қиймати 10 миллиард АҚШ долларилик 242 та йирик ва ўрта лойиҳа ишга тушди. Экспорт илк бор 27 миллиард долларга етди.

2024 йилда Ўзбекистондаги тоғ-кон, нефть-газ, кимё, қишлоқ хўжалиги соҳаларида инвестиция 2 қарра ошган ҳолда 50 та туманга 100 миллион доллардан кўп сармоя кириб келган. Жорий йилда халқаро молия институтлари ҳисобидан 5 миллиард 200 миллион долларлик ишлар режалаштирилган. Хусусан, Европа тикланиши ва тараққиёти банки билан 1 миллиард

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИНВЕСТИТОРЛАР УЧУН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ УШБУ ТАМОЙИЛНИ АМАЛИЙ НАТИЖАГА АЙЛАНТИРИШНИНГ БАРЧА ЧОРАСИ КЎРИЛЯПТИ

Дунёдаги турли можазолар, ўзаро низолашувлар, қуролли тўқнашув ва савдо урушлари туфайли жаҳон иқтисодиёти жиддий зарар кўрмоқда. Бу, ўз навбатида, миллионлаб замондошимизнинг тўғри овқатланиш, соғлигини тиклаш, сифатли таълим олиш билан боғлиқ зарур ҳаётий эҳтиёжларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ана шундай мураккаб шароитда барқарор тараққиётга эришиш инвестицияларга боғлиқ бўлиб қоляпти. Инвесторлар ҳам бундай мавҳум вазиятга тинч, ўз танлаган тараққиёт йўлидан оғишмай бораётган давлатларга сармоя йўналтираётгани айни ҳақиқат.



Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Муносабат

Шу маънода, мамлакатимизда кейинги йилларда қулай инвестиция муҳитини яратиш, тўғридан тўғри инвестицияларни фаол жалб қилиш ва ўзлаштириш, ҳамкор давлатлар иштирокидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, соҳада фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий инвестор ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани айни мудиоа бўлмоқда.

Аънанавий равишда ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ушбу форум Ўзбекистоннинг инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакатини эканини бутун дунёда намойён қиляпти.

Тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида халқаро ҳамжамият эътиборига “яшил” энергетика, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, рақамли технологиялар ва бошқа стратегик муҳим соҳаларга оид умумий қиймати 30 миллиард АҚШ долларидан ошмиқ бўлган инвестицион лойиҳалар тақдим этилмоқда.

Форум доирасидаги энг муҳим учрашувлардан бири давлатимиз раҳбарининг Европа тикланиши ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Одиё Рено-Бассо бошчилигидаги делегацияни қабул қилгани ва унда муҳокама қилинган масалалар бўлди. Чунки сўнгги йилларда Ўзбекистондаги қўллаб-қувватлаш соҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларга инвестиция киритишда ЕТТБнинг ўрни мустаҳкамлашиб бормоқда. Мазлумотларга кўра, ЕТТБнинг Ўзбекистонга киритган инвестициялар миқдори ҳозирги кунга қадар 5,5 миллиард евродан ошди.

2025 йилда ЕТТБ Ўзбекистон иқтисодиётига 1,1 миллиард евро киритишни режалаштирган, унинг катта қисми хусусий секторни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Ўзбекистон сўнгги йилларда халқаро муносабатларини янада ривожлантириш борасида юритаётган очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат натижасида бошқа нуфузли ташкилотлар қатори ЕТТБ билан ҳам шериклик стратегиясини самарали амалга оширмоқда. Натижада мамлакатимиз банк соҳаси босқичма-босқич трансформация қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ЕТТБ президенти билан бўлиб ўтган мулоқотида келгуси йилларда Ўзбекистонда сув таъминоти тизимини технологик жиҳатдан модернизациялаш, энергия самарадорлигини ошириш борасидаги дастурларни илгари суриш, ипотека бозорини ривожлантириш ҳамда кичик ва ўрта бизнес имкониятларини кенгайтириш масалаларини ҳал этишга келишиб олинди. Энг муҳими, ЕТТБ билан шериклик стратегиясини янада ривожлантириш натижасида юртимизда таълим ва тиббиёт соҳаларида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини янада фаолаштириш билан бирга рақамли трансформацияга қаратилган стартапларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Умуман олганда, Европанинг Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик қирралари тобора кенгайиб бормоқда. Бу жараён келажакда ўз самарасини беради, албатта.

Форум 100 га яқин давлатдан 3 мингга яқин хорижий меҳмонни бир нуқтада жамлагани, айни пайтда долзарб мавзулар муҳокамаси ва ўз навбатида, уларнинг ечимлари бўйича қарорлар қабул қилишга шароит яратгани билан аҳамиятлидир. Бундай қўламдаги тадбир инвесторларнинг жадал ривожланаётган инвестицион ҳудуд сифатида Ўзбекистонга ишонч ва қизиқшини янада оширади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон инвесторлар учун жозибador давлатга айланиб бормоқда.

УЛУГЛАЙДИГАН, ҲАЁТИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ВА ЖАМИЯТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН МУСТАҚАМ ПОЙДЕВРОГА АЙЛаниши Керак.

Бу чақириқ мамлакатимиздаги ислохотларнинг асоси фақат инсон қадрини улуглашдек эзгу мақсадларга қаратилганини аниқлатади.

Инвестиция самарадорлигини ошириш жараёнининг устувор йўналишлари давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар ва қўллаб-қувватловнинг уйғунлашган ҳолда амалга оширилишига боғлиқ. Қайд этилганидек, янги ички маҳсулотимиз саккиз йилда 2 баробар кўпайди, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткичнинг 200 миллиард долларга етказиш асосий мақсад сифатида белгиланган. Ўтган йили инвестиция қиймати 35 миллиард долларга, экспорт 27 миллиард долларга етгани эса тўрт йилдан буён ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форумининг амалий натижаси сифатида кўрилмади.

Бутун дунё иқтисодиёти янги давр ва ўзгаришлар остонасида турганини барчамиз яхши тушунамиз. Бу эса барқарор ривожланиш йўлидан бораётган давлатларни бешта йўналишда ҳамкорликка ишлага ундамоқда.

Биринчидан, “яшил” иқтисодиёт моделига ўтиш. Иқтисодиётни барқарор энергия ресурслари билан таъминлаш учун айнан “яшил” энергетикани ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Ўтган қисқа даврда бу соҳага қарийб 6 миллиард доллар тўғридан тўғри



Шунингдек, инсоният учун энг долзарб муаммолар — озиқ-овқат хавфсизлиги, камбағаллик, иқлим ўзгаришлари каби масалаларга эътибор қараймоқда. Бундай шароитда дунёда тинчлик, адолат ва инсон қадрига умумий ишончнинг тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **инвестиция даромад келтириши билан бирга, инсон қадрини**

хорижий инвестиция кириб келди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 59 миллиарддан 82 миллиард киловатт-соатга етди. Кейинги беш йилда бу кўрсаткич 120 миллиард киловатт-соатдан ошиб, “яшил” энергия улуши 54 фоизга етди. Шунингдек, электр тармоқларини янгилашга ҳам 4 миллиард доллар жалб қилинади.

Бугун дунёнинг номдор брендлари, салоҳиятли компаниялари катта-катта режалар билан мамлакатимизга сармоя киритмоқда. Бу эса янги Ўзбекистон жадал ривожланаётганидан далолат беради. Энг муҳими, барча соҳа замон талабларига мос модернизация қилинмоқда. Хар бир ислохот ва ташаббусда инсон капиталига дахлдор энг бебаҳо манфаатлар устуворлик касб этмоқда.

Мамлакатимиз халқаро иқтисодий шериклигини изчил кенгайтириб, жаҳон савдо ва кооперация заنجирининг бир бўлагига айланмоқда. Бу жараённинг кучли драйвери, албатта, халқаро ва ички томонлама ҳамкорликнинг янги йўналишларини аниқлаш имконини берувчи саммитлар, форум ва юқори даражадаги мулоқотлардир.

Тошкент шу кунларда яна бир бор халқаро аҳамиятга молик воқеалар марказига айланган. Пойтахтимизда тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтмоқда.

Мазкур форум глобал майдонда бизнесни ривожлантириш ва сармояларни жалб қилишнинг энг самарали платформаларидан бирига айланган муҳим ўзгариш. Зеро, бу ерда хар бир иштирокчи умумий манфаатларга доир талабга тақлиф топиши, муайян инвестиция ҳолатларини ўрганиши, турли йўналишларда сўнгги тенденцияларни муҳокама қилиши ва

IV ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ УЧУН МУҲИМ МАЙДОН

ўзи учун фойдали, истиқболли таклифларни қабул қилиши мумкин. Қисқаси, иштирокчилар инвестиция муҳитини аниқ ҳис қилади. Шу боис, бизнес завқи ва шиддати билан форумда 7500 дан ортиқ делегат, жумладан, қарийб 100 мамлакатдан 3000 га яқин хорижий меҳмон қатнашапти.

Энг муҳими, ушбу нуфузли анжуман дунёдаги иқтисодий нотинчлик фондида барқарор ўсиш суръатларини намойиш этибгина қолмай, Марказий Осиёнинг чин маънодаги сармоявий марказига айланиб бораётган Ўзбекистон салоҳиятини намойиш этиш учун беқимёс имкониятдир.

Давлатимиз раҳбари форумдаги нутқида тадбирнинг аҳамиятини юқори баҳолаб, “Хозирги кийин шароитда биз Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни сақлаб қолишга асосий эътибор қаратаямиз. Янги ички маҳсулотимиз саккиз йилда 2 баробар кўпайди. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткичнинг 200 миллиард долларга етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ўтган йили инвестиция ҳажми 35 миллиард долларга, экспортимиз 27 миллиард долларга етгани — тўрт йилдан буён ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форумининг ҳам амалий натижасидир”, деди.

Нуқтаи назар



Шунингдек, Президентимиз барқарор ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатларга тўртта йўналиш бўйича муҳим ташаббусни илгари сурди. Биринчиси, “яшил” иқтисодиёт моделига ўтиш.

Иккинчиси, рақамли технология ва сунъий интеллектни иқтисодиётнинг драйверига айлантириш. Учунчи йўналиш молиявий ислохотлар ва венчур инвестициялари. Тўртинчиси, “Тўртинчи санаят инқилоби”

“технологик минераллар”га талабни бир неча қарра кўпайтираётганидан келиб чиқиб, минтақамизнинг минераллардан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариши “хаби”га айлантириши.

Бутун мамлакатимиздаги ислохотлар самараси халқаро рейтингларда ҳам муносиб аксини топтоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Муҳсин Холмухаммедов. — Хусусан, Иқтисодий эркинлик индексидаги ўрнимиз сўнгги беш йилда 48 поғона кўтарилди. Ўтган ойда нуфузли S&P агентлиги Ўзбекистоннинг суверен рейтингини прогнозини “барқарор”дан “ижобий”га оширди.

Бутун дунё иқтисодиёти янги давр ва ўзгаришлар остонасида турганини барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Жумладан, кейинги йилларда иқтисодий инқирозлар, давлатлар ўртасидаги зиддиятлар, пандемия, транспорт-логистика соҳасидаги тўсиқлар каби қатор муаммоларга гувоҳ бўлямиз. Ана шундай шароитга қарамай, юртимизда иқтисодий ўсиш жадал давом этмоқда. Мисол учун, биргина қўшни республикалар билан ўзаро савдо айланмаси охириги беш йилда 3,5 баробар ортиб, 13 миллиард долларни ташкил этмоқда.

2022 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур форум савдо-иқтисодий, инвестиция соҳасидаги энг йирик халқаро мулоқот майдонларидан бирига айланган. Хусусан, ўтган даврда 357 та инвестиция лойиҳаси бўйича 44 миллиард долларлик келишувларга эришилган.

Бутун инвестор учун қулай шароит, хавфсизлик, ҳақ-ҳуқуқларини таъминловчи ҳуқуқий-меърий ҳужжатлар ва ишонч зарур. Ана шундай шароит яратилган давлатга инвестор келади ва фаолият юритади. Бу омилларнинг барчаси юртимизда мавжуд.

Форумдаги ўзига хос яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Тадбир доирасида илк бор Ўзбекистон компанияларининг лойиҳа ва қўшма ташаббуслари намойиш этилаётган иқтисослашган кўрғазма ташкил этилди. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, йирик корхона ва тадбиркорлик субъектлари учун яхши майдон, қулай платформа вазифасини ўтайди. Шунингдек, халқаро майдонда тадбиркорларнинг маҳсулотларини тарғиб этиш билан бирга, Ўзбек брендини бутун дунёга танитишга хизмат қилади.

Иштирокчилар сони ва географияси кенгайиб бораётган нуфузли платформа — тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми том маънода нафақат ҳудудий, балки минтақавий аҳамиятга эга. Иқтисодий интеграция ва трансформацияси нуқтан назардан турили соҳаларда янги имкониятларни кафи қилади. Бу шиддат билан ривожланаётган Ўзбекистон брендининг ҳақиқий сармоявий салоҳиятига дахлдор.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН ВА БОЛГАРИЯ ЕВРОПА – МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУЛОҚОТИ ФАОЛЛАШГАН БИР ШАРОИТДА ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ВА БОЛГАРИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН МУВАФФАҚИЯТЛИ МУЗОКАРАЛАР ЯКУНЛАРИ ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

17 йил ичида илк бор бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон – Болгария саммити икки томонлама муносабатлар тарихида ўзaro манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берган муҳим воқеа бўлди. Болгария Президенти Румен Радевнинг Тошкент халқaro инвестиция форумида иштирок этиши, қатор муҳим ҳужжатлар ва тижорат шартномаларининг имзолангани томонларнинг сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар алмашинуви кенгайтиришга қизиқиши ортиб бораётганидан далолатдир.

ресурсларга эга. ЕИ технология трансфери, салоҳиятини ошириш ва қайта тикланган энергия инфратузилмасига сармоя кириштириш орқали минтақани қўллаб-қувватлаши мумкин. Бу соҳаларнинг барчаси бир-бирига боғланган. Стратегик ҳамкорлик деганда биз бир-икки йўналишни танламасдан, барча соҳаларда ҳар томонлама, мувозанатли ва ўзaro манфаатли ҳамкорликда иш олиб боришимизни аниқлатади.

транзит оқимлари учун минтақавий марказга айлантириш стратегиясининг яна бир элементи дидир.

Президент Румен Радевнинг Тошкент халқaro инвестиция форумида иштирок этиши эса София Ўзбекистонга нафақат бозор, балки ЕОИИга аъзо мамлакатлар ва Афғонистон коридорига чиқиб платформаси сифатида қарашидан далолат беради.

Куала-Лумпур учун Ўзбекистон — Болгария ҳамкорлигининг фаоллашуви натижадор кўринмоқда. Бу ўрта иқтисодийлар геосиёсий тўсиқлари четлаб ўтиб, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида қандай қилиб тез “юксис” йўлакларни шакллантираётганини кўрсатади.

Гуманитар келишувлар блоки — Маданият алмашинуви йили, академик форумлар, шахарлар ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиб каби ташаббуслар ўзaro ҳамкорликнинг асосини ташкил этишини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу қадамлар Ўзбекистон раҳбарининг халқларни яқинлаштириш ва ўзaro ҳамжихатликни мустаҳкамлаш борасидаги стратегик қарашларига тўла мос келади.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳномалигида янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг изчиллиги ва очқиллиги, прагматик ва ўзaro ҳурмат асосида ЕИга аъзо давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни намоиш этмоқда. Ўз навбатида, Болгария транзит ва технологик салоҳиятга эга давлат сифатида Ўзбекистоннинг Жанубий ва Шарқий Европа бозорларига чиқишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Ишончим комилки, Болгария Президентининг Ўзбекистонга ташрифи нафақат икки томонлама манфаатларга хизмат қилади, балки ЕИ ва Марказий Осиё ўртасида янги ҳамкорлик маконини шакллантириш учун мустаҳкам замин яратди.

диётининг келажagini белгилаб беради ва бу соҳаларда биргаликдаги сазй-ҳаракатлар ҳар икки давлатта ҳам катта наф келтириши мумкин.

Куруқлик ва ҳаво йўлакларини самарали ривожлантириш, шунингдек, тўғридан тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш имкониятларини кўриб чиқиш масаласи нафақат икки томонлама муносабатлар, балки бутун минтақа учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги асосий давлат, Болгария эса ЕИ аъзоси сифатида янги логистика йўналишларини яратишда муҳим роль ўйнаши мумкин. Бу қитъалар ўртасидаги савдо-сотиқни фаоллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Юрий СИГОВ,
Россия давлат гуманитар университетининг халқaro муносабатлар кафедраси доценти:



Фарица ШОМ,
Малайзия Ислам цивилизацияси институтининг директори:



Меҳмет Сейфеттин ЭРОЛ,
Анкара инқироз ва сиёсат тадқиқотлари маркази “ANKASAM” директори (Туркия):



Холид Таймур АКРАМ,
“Умумий келажакка жамияти” таҳлил маркази ижрочи директори (Покистон):



Халқaro экспертлар татқиқига кўра, мажбур ташриф нафақат икки томонлама, балки аниқ ифодаланган геосиёсий муҳит — Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасида фаоллашиб бораётган ўзaro ҳамкорлик нуқтани назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Барқарор ривожланиш, транспорт алоқаси, энергетика ва рақамли трансформацияга ўзaro қизиқиш ортиб бораётган бир шароитда Ўзбекистон ва Болгария раҳбарларининг учрашуви ўзaro ишонч ва прагматизмга асосланган шерикликни мустаҳкамлаш йўлидаги умумий интилишни намоиш этди.

Тахлилчилар, шунингдек, Болгария етакчисининг ташрифи шерикликни сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш учун янги имконият ва истиқболларни очди дея таъкидламоқда.

Иван БОТУЧАРОВ,
Европарламент депутатининг сиёсий маслаҳатчиси, Европа талаба демократлари халқaro котиби:



“ЕИ аллақачон Марказий Осиё мамлакатлари учун асосий савдо ва сармоявий ҳамкор хисобланади, бироқ ўсиш салоҳияти катта. Савдонни осонлаштириш, муайян бозорларга киришни яхшилаш ва стандартларни уйғунаштириш иқтисодиётларимизни янада чуқурроқ интеграция қилиш имконини беради.

Боғлиқлик ҳам бизнинг ҳамкорлигимизнинг асоси бўлиши керак. Транспорт ва рақамли инфратузилмаси такомиллаштириш орқали биз юқори сифатли транспорт йўлакларининг тўлиқ салоҳиятини очиб, бошқа, унчалик барқарор бўлмаган йўналишларга боғлиқликни камайтиришимиз мумкин. Биз Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги хавфсиз, барқарор ва ишончли алоқадан манфаатдоримиз.

“Яшил” ўтиш ҳам ҳамкорлик учун катта имкониятларни тақдим этади. Марказий Осиё сув танқислигидан тортиб, иқлим ўзгариши таъсиригача бўлган экологик муаммоларга дуч келмоқда, бироқ у тоза энергия, айниқса, кўёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш учун катта

— Ташриф узоқ йиллар давомида динамика бўлмаган муносабатларнинг “қайта бошлангани”ни ифодалайди.

17 йиллик танаффусдан сўнг бўлиб ўтган саммит Ўзбекистон — Болгария муносабатларига янги сиёсий туртки беради. Тошкент ҳамкорлар рўйхатини аниқлаш соҳалардан ташқари диверсификация қилиш орқали қўшимча “Европа дивидендлари”ни олади, София эса тез ўсиб бораётган Марказий Осиё бозорига ва минтақанинг бошқа иқтисодиётлари билан ҳамкорлик қилиш учун асосга эга бўлади.

Бўлиб ўтган музокаралар томонлар ўзaro муносабатларни мазмунан бойитишга интилаётганини тасдиқлади. Икки давлат пойтахтларида савдо уйлари ташкил этиш, имтиёзли кредит линиялари очиб ва лабораторияларни аккредитация қилиш ҳамкорлигининг “драйвери” бўлиб хизмат қилади.

Тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва IT соҳаларига эътибор қаратиш орқали ҳамкорлар капитал айланиши тез ва нисбатан қисқа инвестицион циклга эга бўлган сегментларга йўналтирилганлигини намоиш этади.

Тўғридан тўғри авиарейсларни йўлга қўйиш ва куруқликдаги йўлакларни ривожлантириш масаласи алоҳида қизиқиш уйғотди. Логистикани қисқартириш бўйича ташаббуслар кўпроқ Евроосиё тенденциясига мос келади. Ўзбекистон учун бу Тошкентни

— Ташриф Президент Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистоннинг стратегик шериклар доирасини кенгайтиришга қаратилган кўп векторли, очқил ва прагматик ташқи сиёсатини мустаҳкамлаш борасидаги сазй-ҳаракатларининг ёрқин далилидир.

Болгария Президентининг Ўзбекистонга ташрифи нафақат икки томонлама ҳамкорлик контекстида, балки кенгроқ геосиёсий жиҳатдан ҳам муҳим воқеа бўлиб, Марказий Осиё ва Шарқий Европа ўртасидаги ҳамкорлик учун янги уфқлар очганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Кўксарой қароргоҳида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокидаги музокаралар муҳити Ўзбекистон — Болгария мулоқоти замирида турган юксак сиёсий ирода ва ишончнинг кўзгусидир.

Айниқса, олий даражадаги музокаралар чоғида эришилган келишув эътиборга молик. Гап нафақат савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва тўғридан тўғри авиакатновларни йўлга қўйиш, балки икки томонлама ташаббусларни институционал қўллаб-қувватлаш учун шароитлар яратиш, жумладан, савдо уйлари очиб, лабораторияларни аккредитация қилиш ва меҳнат ресурслари соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳақида бормоқда.

— Мен учун Болгария Президенти Румен Радевнинг Ўзбекистонга ташрифи Марказий Осиё ва Шарқий Европа ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш истагини кўрсатувчи муҳим воқеадир.

Авалло, амалий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилганини юксак қадрлайман. Товар айирбошлаш ҳажминини ошириш, турли маҳсулотлар етказиб беришни кенгайтириш, шунингдек, пойтахтларда савдо уйлари очиб, имтиёзли кредит линиялари ажратиш тўғрисидаги қарорлар жуда аниқ қадамлардир.

Агросоаноат мажмуи, фармацевтика, геология, сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва туризм каби истиқболли йўналишларда қўшма лойиҳалар алоҳида эътибор қаратилаётгани етакчиларининг узоқни кўра билишини кўрсатади. Айнан ушбу соҳалар бугунги кунда жаҳон иқтисо-

— Ушбу ташриф Тошкент ва София ўртасидаги алоқаларни олий даражада қўллаб-қувватлашни жадаллаштириш ҳамда Европа Иттифоқи раҳбарининг Марказий Осиё минтақасида иштирокини кенгайтириш бўйича умумий ташаббусининг давоми бўлди.

Ўзбекистон Болгариянинг Европа Иттифоқидаги фойдали ҳамкор мамлакатлардан бири деб билади. Айниқса, Қора денгизда Болгария портларининг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда. Бугунги кунда Ўзбекистонда Болгария инвесторлари иштирокчидаги 30 та, жумладан, тўлиқ болгар капитали иштирокчидаги тўртта корхона фаолият юритмоқда.

Словакия билан муносабатлардаги каби София билан ҳамкорлик Ўзбекистонни Қозоғистон, Озарбайжон ва Грузия ҳудуди орқали Қора денгиз портлари билан боғлаши мумкин бўлган Транскаспий халқaro транспорт йўналиши контекстида Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган транспорт инфратузилмаси билан Болгария Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасида транзит йўли бўлиб хизмат қилиши мумкин.

“Дунё” АА

Қарор ва ижро

“Топганим — ўзимники”

Илгари унчалик билинмасди. Музроб оила куриб, рўзгор ташвишлари елкасига тушган, бирор тайинли иш топмас қийналишини тушунди. Лекин бу осон кечмаслиги аниқ. Бир-икки марта турли ташкилотларга бориб кўрди. Бўш ўрин йўқлиги боис, жимгина ортига қайтди. Бошқалар қатори яқин агрофдаги фермердан ижарага ер олиб, деҳқончилик қилиш пайига тушди. Болалигидан далада меҳнат қилиб, суяги қотган. Ҳаракат қилса, эплаб кетишига кўзи етарди.

Эрта баҳорда қишлоғига яқин жойдаги фермернинг даласидан озроқ ер ижарага олди. Яхши ният билан енг шимариб, ишга киришди. Олдин майдонни тракторда яхшилаб ҳайдади, экин экишга тайёрлаб олди. Шундан сўнг сабзот уруғини сепди.

Энди қўлга кетмон олиб, ҳар кунни сахарлаб далага йўл олади. Меҳр билан ишлаб, қилаётган меҳнати самарасидан завқланади. Аста-секин уруғ нишлаб, ҳосил бўй кўрсата бошлади. Ёш деҳқон астойдил ҳаракат қилиб, ариқларни тозалаб, сув бошқариб келди. Тажрибали агрономлардан маслаҳат олиб, агротехник тадбирларни вақтида қилиб борди. Ҳосил ёмон бўлмади. Харидор топиб, дала-нинг ўзида яхшигина пуллади. Мўмай даромад топдим деб мамнун бўлганди. Қувончи узоққа бормади. Фермер ижара ҳақини сўраб келганида, ҳисоблаб кўрса, фойдасининг ярмидан кўпи кетиб қоляпти.

Шунча меҳнат қилиб, хузурини бошқалар кўраётгани унга таъсир қилди. Деҳқончилик қилишдан ҳам кўнгли қолди. Барчасига қўл силтаб, бошқа юртга ишга кетиш ҳаракатига тушди. Айрим танишларидан суриштириб хорижда қурилишда ишлаш мумкинлигини аниқлади. Ёлғиз кетгандан кўра, бирор кишини ҳамроҳ қилиш учун ўртоқларидан бирига шу таклифни айтиб кўрди. У эса чет элга бормаслигини, ёшларга ер ажратилаётганини, шундан олиб, полиз маҳсулотлари экиш ниятида эканини айтди. Бу гапларга унчалик ишонмаган Музроб маҳалладаги ёшлар етакчисидан сўраб кўрадиغان бўлди. Етакчи бу гап ҳақиқат эканини, керак бўлса, унга ҳам ер ажратилиши мумкинлигини тушунтирди.



ЁШЛАРИМИЗ ХОРИЖГА ИШ ИЗЛАБ ЭМАС,



— Болалигимдан далада меҳнат қилишни яхши кўраман. Киши пешона тери билан топган ризқининг баракиси бошқача бўлади, — дейди Нишон тумани Нурчи маҳалласида яшовчи Музроб Қудратов. — Фермер даласида ижара асосида ишлаганим билан барибир ўзимники бўлмас экан. Шу сабаб хорижга йўл олмоқчи бўлиб тургандим. Тенгдошларим ер берилётгани ҳақида айтиб қолди. Маҳалламиздаги ёшлар етакчиси ёрдами билан турмуш ўртоғим иккаламизга аукцион орқали 30 йилга бир гектар ер берилди. Бу анча қулай экан. Ер сувли, унумдор жой. Шу билан бирга, яшаш жойимизга яқин. Яхши ният билан биринчи йили ер ёнғоқ экдик. Дастлабки ҳосил яхши бўлди. Соф даромадимиз 50 миллион сўмдан ошди. Такрорий экиннинг ҳам чўғи ёмон бўлмади. Бу йил ҳам ер ёнғоқ эканмиз. Бундан ҳам каммида 50-60 миллион сўм фойда олиш ниятимиз бор. Далада оилавий иш билан бандмиз. Олдин ижара учун каммида 10 миллион сўмдан ортқ пул тўлаган бўлсам, энди ҳаракатим анча каммайд. Энг маъқули, ҳеч ким халал бермайди, топганим — ўзимники. Агар шу имтиёзлар берилмаганида ҳозир бегона давлатнинг қайсидир кўчасида сарсон юрган бўлардимиз...

“Экспорт қилиш ҳаракатидаман”

Ҳузорлик Акмал Холмуродов ҳам бир пайтлар олдидаги имкониятни илғамай, чет элга бориб ишлаш истагидан юрган ёшлардан эди. Уйлаб кўрса, янги уй қуриш керак. Яшаш шароитини ўнглаш учун анча пул зарур. Бу ерда вақтни ўтказгандан кўра, кетган маъқул. Ўзи қишлоқда туғилиб ўсгани боис, имкони бўлса бирор жойдан ер олиш истаги бор эди. Бунинг иложи йўқ. Қунарларнинг бирида телевизор орқали ўзи тенги ёшлар ер олиб, деҳқончилик ортдан яхши даромад

топаётгани тўғрисидаги кўрсатувни кўриб қолди. Ўзича: “Нега энди бошқа жойларда бор имконият бизда бўлмаслиги керак?” дея маҳаллага йўл олди. Раис билан суҳбатлашди. Ёшлар етакчисининг тавсиясини олди. Тез орада аукцион орқали унга ҳам ер берилдиган бўлди.

— Қишлоқда яшаб шунча имкониятимиз бор экан, бундан фақат унумли фойдаланишимиз керак, — дейди Ҳузор тумани Даштобод маҳалласида яшовчи Акмал Холмуродов. — Ростини айтсам, уй қуришимиз керак эди. Шу сабаб хорижда озроқ ишлаб келиш ниятида эдим. Маҳалламиз фаоллари ёрдами билан ўтган йили укам иккаламизга бир гектар ер берилди. Ижара пули ҳам

анча арзон экан. Бундан ташқари, сугоришга қулай, яхши жой. Дастлабки йил катта ниятда помидор экдик. Ҳосил яхши бўлди. 85 миллион сўм ишлаб топдик. Такрорий экин сифатида сабзи экандик. Тахминан 15 миллион сўм фойда олишни кўзлаб тургандик. Кутганимиздан ҳам ортқ бўлди. Фойдамиз 25 миллион сўмдан ошиб кетди. Жорий йил астойдил меҳнат қилиб, помидорнинг яхши навини олиб келиб экдик. Насиб этса, бу йил биринчи мавсумда фойдамиз 100 миллион сўмдан ошадиган деган умиддамиз. Келгусида нафақат ички бозорга сотиш, балки экспорт қилишни ҳам режалаштиргандим.

Бугун тажрибали миришкорлардан бирига айланган ёш деҳқон нафақат ўзини ўзи банд-

лигини таъминлаб даромад топмоқда, балки маҳалла ёшларини мавсумий ишга жалб этиб келмоқда. Шу билан бирга, ички бозорни сабзот маҳсулотлари билан таъминлашда етакчилик қилмоқда.

Даштобод маҳалласидаги ёшлар етакчисининг айтишича, ҳудуддаги унумдор, сувли, аҳоли яшаш жойига яқин ердан 34 нафар ёшга 29 гектар ер электрон платформа орқали тавсия билан 10 йилга имтиёзли равишда олиб берилган. Ёшлар пойтахтдан помидор уруғини олиб келиб, хонадониданги иссиқхоналарда кўчат қилиб етиштирган. Экин экишдан аввал ерга яхшилаб агротехник ишлов бериб, астойдил меҳнат қилишди. Мисол учун, илгари биоғумус маҳалладан

70 километр узоқликдаги бошқа ҳудуддан олиб келинган бўлса, ҳозир маҳалла аҳолисининг ўзи биоғумус тайёрламоқда. Бу ҳам ёшлар учун анча қулайлик бўлди.

2025 йилда ҳудуд ёш миришкорлари бундан-да катта мақсадни мўлжал олган. Шунингдек, дала майдонига 5 киловаттлик қуёш панелларини ўрнатган. Олдин электр энергияси учун ойига 2 миллион сўмдан харажат қилинган бўлса, ҳозир эҳтиёждан ортган электр энергиясини давлатга сотиб, қўшимча даромад ишламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 апрелдаги “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига туман ҳокимликлари захирасидаги 60 минг 500 гектар ер очқ танловга қўйилиб, кичик лотларда сув таъминоти яхши жойдан ёшларга ажратиб берилиши белгиланган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти ҳокими тасдиқлаган жал-валга асосан, 6000 гектар ер 7584 ёшга ажратилиши режалаштирилган.

2024 йилда вилоят миқёсида “маҳалла етичилиги” тавсияси билан деҳқончилик қилиш истагидидаги 7911 ёшнинг дастлабки электрон рўйхати шакллантирилиб, 6000 гектар ер тўлиқ электрон аукционга чиқарилди.

Бугун вилоятда 10 минг 569 ёш электрон платформага кириштирилган. Маълумотларга қараганда, 2024 йилнинг 28 ноябрь ҳолатига кўра, электрон платформа орқали 6973 (91,9 фоз) ёшнинг 5115 гектар (85,2 фоз) ерга эгаллиги таъминланган.

Вилоят бўйича ёшларга берилган ердан фойдаланиш мониторингига кўра, 2024 йилда 6416 ёш миришкор 4656 гектар ердан 32 минг 995 тонна маҳсулот олган ва 49 миллиард 879 миллион сўмлик даромадга эга бўлган.

Интилуван, меҳнатсевар ҳар бир ёш учун имконият бор. Фақат ундан оқилона фойдаланиш, ҳаракат қилиш лозим. Асосийси, имкониятдан унумли фойдаланишни вақтида англаб етган ёшлар бугун ўз даромад манбаига эга бўлди. Қолаверса, улар энди хорижга иш излаб эмас, балки саёхат учун бормоқда.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Ташаббус амалда

УЛАР ТАЪТИЛДА ҲАМ БЕКОР БЎЛМАЙДИ

Мақтаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан Президентимиз раислигида жорий йил 15 майда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўқувчилар ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича янги тизим яратилиши таъкидланган эди.

Қорақалпоғистон, Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва пойтахтдаги "Баркамол авлод" марказларида камида 100 ўринли болалар сайёҳлик базаси ташкил қилиниши айтилиб, мутасаддиларга қизиқари туризм тўғрисида маълумот берилади.

Ҳозир ўқувчи талаба таътилда. Шу боис, қўйилган вазифаларни амалга оширишнинг айна палласи. Эштиборлиси, мутасаддилар бунга жиддий қиришган. Мисол учун, шу кунларда Туризм қўмитаси томонидан "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" лойиҳаси доирасида 20 минг ўқувчининг саёҳати ташкил этилмоқда.

Ўқувчилар туризмни ривожлантириш бўйича янги тизим яратилиши таъкидланган эди. Ҳозир ўқувчи талаба таътилда. Шу боис, қўйилган вазифаларни амалга оширишнинг айна палласи.


Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 30 апрелдаги "Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, ҳар йили "Ёшлар туризми ойлиги"ни ўтказиш, унинг доирасида эса "Ёшлар туризми" қурултойи ташкил этилиши белгиланган.

"Ёшлар туризми ойлиги" бу йил 20 июндан 20 августга қадар ўтказилиши кўзда тутилган. Ойлик доирасида ўқувчи, талаба ва ёшларнинг зиёратгоҳ ва қадамжолар, диққатга сазовор жойларга тизимли саёҳатлари, республика бўйлаб маҳорат дарслари ҳамда тарихимизни жонли кўрсатишни театрлаштирилган томошалар ташкил этилади.

11-16 август кунлари эса Шахрисабз туманидаги "Лочин" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Ёшлар келажак бунёдкорлари!" IV экология ва туризм халқаро қурултойи ўтказилиши белгиланган.

Қурултойи доирасида республиканинг ҳар бир ҳудудидан 50 нафар иқтидорли, ижтимоий ҳаётга муҳтож, шу жумладан, ногиронлиги бўлган ҳамда "Ёшлар дафтари"га киритилган ўқувчи, талаба ва ёшлар жалб қилинади. Саёҳат уларда бир-бири билан мулоқот қилиши, жамоада ишлаш ва раҳбарлик кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Қурултойи доирасида республиканинг ҳар бир ҳудудидан 50 нафар иқтидорли, ижтимоий ҳаётга муҳтож, шу жумладан, ногиронлиги бўлган ҳамда "Ёшлар дафтари"га киритилган ўқувчи, талаба ва ёшлар жалб қилинади. Саёҳат уларда бир-бири билан мулоқот қилиши, жамоада ишлаш ва раҳбарлик кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

қилиш, жамоада ишлаш ва раҳбарлик кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Китобхонлик кунлари, миллий ва этноспорт турлари бўйича мусобақалар ҳамда маданий-кўнгилочар тадбирлар, юқори натижаларга эришган ҳамда ёшларга ўрнатилган спортчилар, мураббийлар, санъат, маданият, илм-фан ва бизнес соҳалари намоёндалари иштирокида маҳорат дарслари, хунарманда, театр ва кино ижодкорлари билан мулоқотлар бўлади.

Бундан ташқари, маданият, илм-фан ва бизнес соҳалари намоёндалари иштирокида маҳорат дарслари, хунарманда, театр ва кино ижодкорлари билан мулоқотлар бўлади.



Ватанни чуқурроқ англаш имкони

Қизиқари экскурсия, гастрономик саёҳат, таълим, маърифат ва спорт тадбирлари... Саёҳатга овланган ўсмир учун ватанининг тарихий жойлари, маданий мероси, табиий гўзалликлари, маҳаллий урф-одат ва анъаналар

билан танишиш, янги дўстлар, билим, таъриб ортириши имконияти жуда жозибали.

Оламни билиш, дунёқарашини кенгайтириш, шахсий ўсиш, ўзини намоён қилиш истаги ҳаёт қувончларини ҳис этишга мойил бу ёшда ўзгача мазмун касб этади.

Наманган вилоятида илк бор фаолият бошланган, 150 ўринга эга болалар сайёҳлик базаси бугун қўйлаб ёшларни ўз бағрига қорламоқда.

— Болаларни саёҳат ва экскурсияларга жалб этиш, маданий мерос билан таништириш, ҳаётини кўникмаларини ривожлантириш, дўстлик ва ижтимоий фаоллигини ошириш асосий йўналишларимиздир, — дейди Наманган болалар сайёҳлик базаси мудирини Бообур Бахриддинов. — Дастлаб юртимизнинг турли ҳудудларидан келган 110 ўғил-қизини Наманганнинг диққатга сазовор жойлари билан таништиридик.

— Болаларни саёҳат ва экскурсияларга жалб этиш, маданий мерос билан таништириш, ҳаётини кўникмаларини ривожлантириш, дўстлик ва ижтимоий фаоллигини ошириш асосий йўналишларимиздир, — дейди Наманган болалар сайёҳлик базаси мудирини Бообур Бахриддинов.

— Болаларни саёҳат ва экскурсияларга жалб этиш, маданий мерос билан таништириш, ҳаётини кўникмаларини ривожлантириш, дўстлик ва ижтимоий фаоллигини ошириш асосий йўналишларимиздир, — дейди Наманган болалар сайёҳлик базаси мудирини Бообур Бахриддинов.

— Болаларни саёҳат ва экскурсияларга жалб этиш, маданий мерос билан таништириш, ҳаётини кўникмаларини ривожлантириш, дўстлик ва ижтимоий фаоллигини ошириш асосий йўналишларимиздир, — дейди Наманган болалар сайёҳлик базаси мудирини Бообур Бахриддинов.

Соҳа ривожидида оммавий тадбирларнинг аҳамияти катта

Туризм жаҳон иқтисодиётида даромадли ва жадал ривожланиб бораётган соҳалардан. Бу бозорнинг асосий сегментларидан бири ўқувчи ва ёшлардир. Болалар ва ёшлар туризми ривожидида эса оммавий тадбирларнинг ҳиссаси катта.

— Жорий йил 22–25 май кунлари "Мўйноқ ралли" автомобиль мусобақаси ташкил этилди, — дейди Туризм қўмитаси бош

сотиш воситасига айланиши деган жиддий саволи ўртага ташлайди. Мазкур ҳолат ахлоқий жиҳатдан ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

мутахассиси Бекзод Муродуллаев. — Унда маҳаллий ёшлар билан бирга қўшни республикалардан келган саёҳатчилар мотоцикл ва енгил автомобилларда маҳоратини намоён этиди.

20 мингга яқин ёшни бир ерда жамлаган ушбу тадбирдан кўзда тутилган мақсад Мўйноқ ва Оролбўйи брендини янгица намоён этиш, Оролбўйининг ноёб табиий ландшафти, тарихи орқали таништириш эди. Оролбўйи фақат экологик эмас, балки тарихий ҳудуд ҳам. Ушбу саёҳат ўғил-қизларини бой тарих, вақт силсиласидаги ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, экологияга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ундаган бўлса ажаб эмас.

Яқинда "Орол денгизига поезд" ёшлар экологик акцияси ўтказилди. Акция иштирокчилари Нукус ва Мўйноқ туманларидаги

диққатга сазовор жойларга боришди. Оролбўйи экологик муаммолари билан бевосита танишиб, уни бартараф этиш борасидаги ишлар ҳақида батафсил маълумот олишди.

Ёшлар "Орол бизники" широи остида Орол денгиз тарихи музейи, "кемалар қабристонини" ва мемориал мажмуалар билан танишишди. "Яшил макон" умуммиллий дастури доирасида Оролбўйи халқаро инновация марказига саёҳат ёшларини унутилмас таассуротларга ошно этди.

— Оролга саёҳат ҳаётимиздаги унутилмас воқеалардан бири бўлди, — дейди Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси талабаси Севинч Аҳмедова. — Саёҳат давомида Қорақалпоғистондаги маданий марказлар ва музейларга бордик ва Мўйноқ туманидаги ўзгаришлар билан танишидик. Тенгқурларим томонидан юртимизнинг туристик салоҳияти кенг тарғиб қилиниб, контентлар тайёрланди ҳамда миллий меросимизни асрашга қаратилган гошлар илгари сирлиди. Айниқса, Орол фожияси ҳақида ишланган расмлар бир умр хотирамда қолди. Уларда денгиз сувининг йўқолиши, кумли ва тузли майдонлар, эскирган кемалар ва балчиқлар, сасовул ва чўлга чидамли бошқа турдаги ўсимликлар қийлаётгани, бунёдкорлик ишлари тасвирлари бор. Бу табиатнинг мураккаблиги ва инсон ҳаётига таъсири ҳақидаги билимларимиз ошишига ёрдам бери. Саёҳатдан қайтган, экоакадемия клубини ташкил этишга киришдик. Мақсадимиз ёшларда экологик тафаккур ва маъсулиятни шакллантириш бўлиб, Орол фожияси каби муаммоларни ўрганиш орқали амалий ечимлар топиш ва буни келажакда халқаро даражага олиб чиқишдир.

Атроф-муҳит ва жамият олдига масъулиятни англаш, табиатни асраш, уни бутунлигича келажак авлодга етказиш вазифаси нечоғлиқ муҳимлигини тадбир иштирокчиси бўлган бир йилгит-қиз теран англамоқда. Сувни оқилона сарфлаш, табиий муҳитга зарар етказмаслик тамойили ана шу саёҳатлар орқали ёшлар онгига синдирилмоқда.

Табиат кўнлидаги турлар, экотуризм ва спорт сафари соғлом турмуш тарзига ҳисса қўшиши билан аҳамиятли. Янги муҳитдаги таассуротлар стрессни камайтиради, мотивацияни оширади. Ана шу мақсадда 26 май — 1 июнь кунлари Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги ёшлар оромгоҳида бир ҳафталик "Экооромгоҳ — 2025" ҳамда унинг доирасида "Экология билимдонлари" кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу тадбирга республика бўйлаб жами 300 дан ортиқ иқтидорли ва фаол ёш қамраб олинди.

Эса қолари хотиралар ва ҳикоятлар янги жойлар, янги одамлар билан танишув паллаларида юзага келади. Янги муҳит ва таърибалар инсонни қучилроқ қилади, ҳар бир ишда ижодий ёндашувга ундайди. Бугун бундай вақтинчи мазмунли ўтказмаётган, саёҳат кўнлига равшанлик бераётган ёшлар эртага ватан қорига ярайдиган, ҳар бир ишда камрабаста бўла оладиган фидойи, салоҳиятли инсонлар бўлиб камол топишига умид болганмоқда. Қолаверса, болалар ва ёшлар саёҳати транспорт, меҳмонхона, овқатланиш, хунарманлик соҳалари ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Бу, ўз ўрнида, мамлакат иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшади.

— Жорий йил 22–25 май кунлари "Мўйноқ ралли" автомобиль мусобақаси ташкил этилди, — дейди Туризм қўмитаси бош

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири



Миллий МЕДИАКОНТЕНТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Долзарб мавзу

Замон тушунчаси бугун ахборот технологияларининг мислсиз тараққиёти ва глобал онлайн макон шаклланиши билан тавсифланмоқда. Бу жараён инсониятга ахборотни турли кўринишда ўзлаштириш ва тезкор алмашиш учун кенг имконият эшитини очди. Мамлакатимизда бу тенденция ахборот соҳасининг ривожланиши ва хусусий сектор иштироки кенгайтириши билан бирга кечаётган.

Ахборот тарқатишдаги эркинлик муҳитида жамият учун янги — блогерлик йўналиши ривожланди. Бугун ҳар қандай давлат медиамаконида блогерлар яратётган контентлар муҳим ўрин тутди. Уларнинг фаолияти туфайли давлат секторидagi расмий оммавий ахборот воситалари эътиборидан четда қолиши мумкин бўлган айрим масалалар жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқилмоқда. Бу, шубҳасиз, жараённинг катта ижобий томониридир.

Шу билан бирга, бу ҳодиса давлат ва жамият ҳаёти учун муайян мулоҳаза талаб қиладиган жиҳатларни ҳам юзага келтирди. Таҳлилларга кўра, медиамаконида орқали аҳолининг муайян қатлами, айниқса, ёшларнинг дунёқарашига таъсир ўтказиш, "оммавий маданият"нинг баъзи унсурлари, жумладан, истеъмолчилик, дабдабаозлик ва исрофгарчилик каби иллатларни сингдиришга қаратилган уринишлар кузатишмоқда.

Ижтимоий тармоқларда дабдабали тўй-маъракалар, қимматбаҳо буюмлар намоиши, қонунларни менсимай ҳаракатланиш каби ҳолатлар акс этган материаллар жойланиши айрим ёшлар онгига ҳаётга нотўғри муносабатни шакллантириши мумкин. Натижада улар орасида реал ҳаётдан узилиш, жамиятдаги маънавий меъёрларга бепасандлик, инсон қадр-қимматини моддий бойлик билан ўлчаш каби салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Бундай тақдирчилик орқали айрим оилалардаги келишмовчиликлар, ажралишлар ва қариндошлар ўртасидаги низолар келиб чиқаётгани ҳам сир эмас.

Бу жараёнда мамлакатимизда хориждан кириб келётган медиаконтентлар ва уларга тақдидан ишлаб чиқилаётган маҳаллий маҳсулотларнинг ўрни бор, албатта. Кенг аудиторияга эга мустақил миллий платформалар етарли эмаслиги, ахборот ташувичиларнинг, асосан, Ғарб платформаларидан фойдаланиши маънавийимизга ёт гошларнинг кенг тарқалишига замин яратмоқда. Глобал платформаларга муқобил миллий дастуриларимизнинг йўқлиги бир қанча саволларни ўртага чиқарапти.

Дунё таърибисидида миллий платформалар яратилиши ва қўллаб-қувватлаш ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларидан. Масалан, Хитойда WeChat, Weibo каби миллий платформалар, Россияда "КиноПоиск HD", "Окко" каби стриминг хизматлари, Туркияда эса Tabii, BluTV, Exxen каби миллий платформалар фаол ривожлантирилмоқда.

Миллий оммавий ахборот воситаларида таъсирчи маънавий таҳдидларга қарши курашиш, ҳислий гоъни тарғиб қилиш борасида жамиятимиз, айниқса, зиёлилар орасидаги яқдиллик ва ташаббускорлик ҳар доим ҳам етарли даражада эмас. Телеканалларни сифатли миллий медиаконтент (роликлар, кўрсатувлар, телесериаллар, фильмлар,

энг аввало, диққатни чалғитади, нозик онгга ортқица ва керакис босим беради. Бундан ташқари, асосий контент ва реклама мазмуни ўртасидаги уйғунликнинг бузилиши томошабинлар, хусусан, ота-оналарнинг каналга ишончига путур етказиши мумкин. Бундай каналлар болалар учун фаолият юрифтаётгани таъкидланган экан, у ҳолда эфирга узатилаётган реклама сиёсати ҳам болалар психологиясини, ёш хусусиятларини ва ахлоқий меъёрларга тўла мос бўлишини таъминлаш шарт.

Бугун реклама бозори инсон руҳиятига таъсир ўтказувчи турли манипуляция воситаларини кенг қўлламоқда. Болалар эса бундай таъсирларга ўта мойил аудитория. Улар кўрган-эшитганини тез ва осон эслаб қолади, такрор-такрор намоиши этилган образлар эса болаларнинг онги ва тасавуви руҳиятига чуқур сингиб, ўрнашиб боради. Агар бола мунтазам бир хил мазмундаги реклама роликларини кўраверса, ҳатто уларнинг асл мақсади ва мазмунини тўлиқ англаб етмаса ҳам, ушбу маҳсулот ёки бренгда нисбатан илқ ёхуд ижобий муносабат шаклланиши мумкин. Бу эса келажакда боланинг истеъмолчи сифатидаги танловига бивосита таъсир кўрсатиши эҳтимолидан холи эмас.

Аслида, болалар каналларидаги реклама сиёсатини ёш авлод учун фойдали ва тарбиявий аҳамиятга эга маҳсулотлар томон йўналтириш имконияти мавжуд. Масалан, болалар китоблари, аудиоэтраклар, турли ривожлантирувчи ўйинчоқлар, спорт анжумалари ва мантиқий ўйинлар, мактаб жиҳозлари

мультифильмлар) билан таъминлаш орқали ватанпарварликни ошириш, маданий меросимизни, маърифатпарвар аждодларимиз фаолиятини тарғиб этиш ишлари бугуннинг талабларидан ортада қолмоқда.

Айни пайтда эфирга узатилаётган айрим сериалларнинг мазмунан саёзлиги, рейтинг ортидан қувиб, миллий менталитетимизга мос келмайдиган мавзулар олиб чиқилаётгани жамоатчилик орасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган. Аслида, миллий сериал ва кинолар орқали қадриятларимизнинг гўзал ва тарбиявий жиҳатларини намоён этиш, уларнинг мазмуни орқали хорижда Ўзбекистон ҳақида ижобий фикр шакллантириш, юртимизни Шарқ маданиятининг юксак марказларидан бири эканини ифодалашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Мамлакатимиз кино ва сериаллар ишлаб чиқиш соҳасида бой таърибага эга. "Абдуллажон", "Темир хотин" каби фильмлар халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Бугун бу соҳада рақобатбардорлигимизни ошириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Хўш, ечим нимада? Аввало, таъсир ахборот хуружига қарши самарали курашиш учун миллий ва маданий ўзгичимизни асрашга қаратилган сифатли медиамаҳсулотлар яратишни қучайтиришимиз зарур. Хорижий медиамаҳсулотларнинг ёшлар онгига таъсири кўзга ташланмоқда. Бундай тақдирчилик орқали айрим оилалардаги келишмовчиликлар, ажралишлар ва қариндошлар ўртасидаги низолар келиб чиқаётгани ҳам сир эмас.

Шунингдек, миллий медиамакони ҳимоя қилишга оид норматив-қуқуқий ҳужжатларни, баъдий кенгашлар фаолиятини таъминлаштириш, хорижий контентларнинг мазмунини назорат қилиш механизмларини ишлаб чиқиш давр талаби.

Бундан ташқари, ватанпарварлик, миллий тарих, тил ва урф-одатларимизнинг бетакрорлигини акс эттирувчи медиамаҳсулотларга давлат-хусусий шериклик асосидаги бююртмаларни шакллантириш кўлимини ошириш, соҳани қўллаб-қувватлаш механизмларини ривожлантириш керак.

Миллий контент яратиш фақат айрим таҳрирларнинг вазифаси деган фикрдан йироқ бўлиш керак. Ҳар бир давлат органи ва муассасаси эш вақолати доирасида бу жараёнда ҳисса қўшиши, глобал медиамаконида миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ўзбек миллатининг ўзига хослигини тарғиб қилишга хизмат қилиши мумкин. Зеро, миллий ўзлигини сақлаб қолиш барчамизнинг умумий вазифамиздир.

Зухриддин ҲАСАНОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази ходими, мустақил илмий тадқиқотчи

Мулоҳаза

Бугунги рақамли дунёда фарзандларини ахборот хуружидан асраш ота-оналар зиммасидаги масъулият. Айниқса, интернет олами чексиз ва назоратсиз бўлиб бораётган бир паллада кўпчилик оналар фарзандларига фақат давлатга қарашли, болалар учун мўлжалланган телеканалларни томоша қилишга ружат бериши маъқул кўради. Бундай каналларда эфирга узатилаётган дастурлар сифат жиҳатидан муайян талабларга жавоб бериши мумкин, бирок эътиборни тортадиган бир жиҳат бор — бу рекламалар.

Таҳлилларга кўра, айрим болалар каналларида намоиш этилаётган реклама роликларининг аксарияти бевосита кичкинтойларга эмас, балки катталар, хусусан, оналар аудиториясига мўлжалланган. Қир ва идиш ювиш воситалари, турли гигиенга маҳсулотлар, ҳатто косметика буюмлари — буларнинг

БОЛАЛАР РУҲИЯТИГА РЕКЛАМАЛАР ҚАНЧАЛИК ТАЪСИР ЎТКАЗМОҚДА?

барчаси болалар дунёқараши ва эҳтиёжига муволақ мос эмас. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега энди болалар учун мўлжалланган аксарият телеканалларда оналарга қаратилган рекламалар бу қадар кўп намоиш этилади?

Бу ҳолат, аслида, пухта ўйланган маркетинг стратегиясининг бир кўриниши. Телевидение соҳасида мақсадли аудиторияни аниқ белгилаш реклама самарадорлигини кескин ошириши сир эмас. Мутахассисларнинг таъкидлашича, болалар дастурларини томоша қиладиган кичкинтойнинг ёнида, аксарият ҳолларда, уни назорат қилиб турган ота-онаси, айниқса, онаси бўлади. Реклама берувчилар айнан шу омилдан унумли фойдаланиб, маҳсулотларини болалар орқали оналарга етказишни, уларнинг харид қарорларига таъсир ўтказишни мақсад қилади. Бошқача айтганда, канал номи "болалар учун" деб аталгани билан реклама мазмуни кўпроқ оналарга қаратилади. Бу эса, ўз навбатида, болалар телеканалларининг асл вазифаси — ёш авлод онгини ривожлантиришга хизмат қилиши ми ёки катта ёшдаги аудиторияга маҳсулот



сотиш воситасига айланиши деган жиддий саволи ўртага ташлайди. Мазкур ҳолат ахлоқий жиҳатдан ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

эки замонавий таълим платформалари, шунингдек, тўғри овқатланишга оид маҳсулотлар ҳақидаги рекламалар ҳам болалар, ҳам ота-оналар учун манфаатли бўлади. Бундан ташқари, айрим хорижий мамлакатлар таърибисидида болалар телеканалларида реклама намоишини бутунлай тақиқланган ёки ўта қатъий цензура остида, чекланган миқдорда узатилади. Бундай моделларни ўрганиш ва амалиётга таъбиқ этиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Болалар учун мўлжалланган медиаконтентни назорат қилиш нафақат мазмун, балки реклама сиёсати жиҳатидан ҳам ўта муҳим. Телерадиокомпаниялар ва бошқа медиавоситалар реклама сиёсатини шакллантиришда реклама роликларининг мазмуни ва шакли ёш аудиториянинг психологик хусусиятларига мос бўлиши, болалар руҳиятига зарар етказмаслиги каби жиҳатларга жиддий таътир қаратиши зарур. Шунингдек, таътир этилаётган маҳсулот ва хизматлар ҳақидаги ахборот имкон қадар болалар учун ҳам фойдали ва тушунарли бўлиши айна мунддо.

Забинисо ПРИМҚУЛОВА, ЎЗЖОКУ талабаси



Ифтихор



Зоҳиджон ОЛОВ,
Ўзвучилар уюшмаси
аъзоси

Хайр, эй надомат, хайр, эй алам!
Ўттиз тўрт йил кутдик бу кунни маҳтал —
Ниҳоят! Ушалди бизнинг орзу ҳам!
Салом, катта футбол, салом мундиал!

Хуштак янграр! Кўздан томчилар қувонч,
Наҳотки рост бўлса! Туш эмасми бу?!
Дунё дарвозаси очди кенг қулоч,
Орзу бўлиб қолиб кетмади орзу!

Бу кеч йиғладим гоҳ пинҳон, гоҳ ошкор,
Аввал ҳам бўзлардим чангаллаб бошим.
Унда аччиқ алам эди сабабкор —
Бу гал ширин бахтдан тўқидим кўзёшим.

Бу кеч ич-ичимдан йиғладим мен ҳам,
Кўз олдимдан ўтди болалик чоғим.
Футболдан сўз кетса, мендан дамодам,
“Ким зўр?” деб сўрарди шўрлик ўртоғим...

Санар эдим: “Бекхэм, Зидан, Маттеус,
Дель Пьеро, Ривальдо ҳамда Рональдо...
Гўё ўзимизда йўқ эди юлдуз —
Футбол ўйналмасди бу юртда гўё!

Бугун ўша зўрлар бизда ҳам бордир,
Аликсиз қолмайди берган саломим!
Ким Жалол, ким Аббос, ким Абдуқодир,
Ким Элдор, ким айтар Одилнинг номин.

Ажнабий кимсага қилмасдан ҳавас,
Бола бўлиб қолсам агар бир фурсат...
Футболкам ортига “Буффон” деб эмас,
Ўткирбек исмини ёзардим, албат!

Бу эл топган мудом меҳнатдан иқбол,
Кўқаргайдир агар ерга суқса чўп...
Даласидан ортса, ўйнаган футбол,
Қўлида кетмону хаёлида тўп.

Лек Танграм деганни Тангри ҳам сийлар,
Орзу тугамайди, орзу ўлмайди...
Ҳеч ким билмаса ҳам, рақиблиар билар —
Ўзбекларни ҳалол енгиб бўлмайди!

Не-не зотлар ўтди чекиб афсус, ох,
Ишониб ҳавасу хаёлотларга.
Улар ачинганди аслида кўпроқ
Миржалолдек ноёб истеъдодларга!

Хайрият, орқада қолди ҳаммаси,
Бизнинг ҳам елкага тегмоқда офтоб!
Жафокаш халқимга ташаккур-тахсин —
Яратган Эгамга шукр беҳисоб!

Юртбошим отадек қўллар муносиб,
“Болам” деб йўлига ёқади чироқ.
Қўллар ҳар голибни бағрига босиб,
Ё кўнглин кўтарар қағди кўнгирик.

Тунда юлдузларга узоқ сер солиб,
Турган жойидаёқ қилган эди кашф.
Энди-чи, Беруний авлоди голиб —
Океан ортида тушажақ кураш!

Ўзбек шаънин асрар рўйи жаҳонда,
Сояда қолмайди беркиниб, кўрқиб...
Йигитлар жанг қилар яшил майдонда
Мухлислар музқаймоқ ялар мириқиб.

Мен билан ўйлашиб гаплаш, эй дунё,
Кимлигимни айтгай — сал туш осмондан.
Каминанинг исми Зоҳиджон Олов —
Мундиалга чиққан Ўзбекистондан!

Ўзбекистонда шу кунларда катта шодиёна, спорт байрами, таъбир жоиз бўлса, ўзбек футболда тарихий тўй бўлмоқда. Халқимизнинг 34 йиллик орзуси рўёбга чиқди. Футбол бўйича жаҳон чемпионати йўланмаси қўлга киритилди. Майдонда навқирон футболчиларимиз чинакам жасорат намунасини кўрсатди. Мураббийларимиз уларни катта меҳнат, куч сарфлаб ўйинга тайёрлади. Уларнинг самарали меҳнатига тасанно айтаемиз.



Фахр



Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ,
футбол шарҳловчиси

ФУТБОЛИМИЗДА КАТТА ТЎЙ

Аммо юртимизда футбол соҳасининг завияси кўтарилиши, зафар чўққиларини бирма-бир сабаб этишида давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган эътибор, тўғри юритилаётган давлат сиёсати, футбол ва унинг атрофида фидойиллик билан меҳнат қилаётган юзлаб юртдошларимизнинг ҳам ҳиссаси катта. Ҳатто кетма-кет муваффақиятсизликларига қарамай, ҳар йили сўнгги дақиқагача терма жамоамизни қўллаб-қувватлаб турган футбол мухлисларининг ўз ўрни бор.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг БАА футболчиларига қарши баҳсини катта ҳаяжон билан кузатдим. Сўнгги дақиқаларда қувонч кўз ёшларини тутиб туролмадим, тўғриси. Қатар футболчилари устидан қозонилган ғалабани эса фахр-ифтихор билан томоша қилдим. Майдондаги кўтаринки руҳ, байрам шодиёналари, футболчиларимизнинг ғайрат-шижоати, юртдошларимиз юз-кўзлариде кулги-табассум, хурсандчилик порлаб туриши — буларнинг барча-барчасини кўриб, бағоят мамнун бўлдим. Ўзгача “атмосфера”, байрам шуқуҳи менинг ҳам қалбимга кўчди.

Энг қувонарлиси, ўйиндан сўнг давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзидан “Дўстлик” орденини қабул қилиб олдим. Бу мукофот нафақат мен, балки бутун спорт журналистикаси соҳасига қаратилган эътибор эканини

ич-ичимдан ҳис қилдим. Уни олар эканман, кўп йиллар футбол соҳаси, айнан спорт шарҳловчилигида фидойий меҳнат қилган устозимиз Ахбор Имомхўжаев ҳамда ҳамкасбим Давлатбек Турдалиев ҳақида ўйладим. Улар бутун умр шу кунларни кўришни орзу қилиб, ўз йўналишида футболнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Минг афсуски, бу кунларни кўриш уларга армон бўлиб қолди. Юксак эҳтиром ила мукофотини олар эканман, шу кунларни кўриш насиб қилганига шукроналик келтирдим.

Давлат мукофотини топширар экан, Президентимиз ҳали олдинда бундан-да юқори чўққиларни забот этишимиз зарурлиги, бу йўлда спортнинг тарғибот-ташвиқоти билан шуғулланадиган спорт журналистлари ғайрат-шижоат кўрсатиши катта аҳамиятга эга эканини айтди.

Чиндан ҳам, биз футболда тарихий натижага эришдик, тўғриси, янги тарих ёзди қаҳрамон йигитларимиз. Олдинда бизни жуда катта ва муҳим мусобақа — жаҳон чемпионати кутиб турибди. Ишонаманки, руҳи тетик, ўзига ишончи мустаҳкам, салоҳияти мундиалдаги қатнашчилардан асло кам бўлмаган, энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи қўллаб-қувватлаб турган футболчиларимиз келгуси йил океан орти давлатларида бўлиб ўтадиган баҳсларда муносиб иштирок этади.

БАЙРАМГА МУНОСИБ ТУҲФА



Малика ҚОДИРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Давлатимиз раҳбарининг ушбу кунларда йўллаган иккита табриги ҳар томонлама диққатга сазовор. Биринчисида Президентимиз Қурбон ҳайити муносабати билан юртдошларимизни чин қалбдан табриқлади. Унинг тинчлик ва меҳр-оқибат байрами эканига эътибор қаратиб, халқимиз орасида тараққий этаётган хайрия, эҳсон ва шафқат муҳитини ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Иккинчи табрик футбол бўйича тарихий натижа муносабати билан йўлланди. Ўйлашимча, терма жамоамиз жаҳон чемпионати йўланмасини тақдир этган Ўзбекистон — БАА ўйинини барча хонадон аҳли кўрди. Шу кунни арафадаги дуо ижобат бўлишига ҳам ишонч ҳосил қилдим. Муфтий ҳазратларини бошчилигидаги Ўзбекистон ҳожилари муқаддас кунда футболчиларимиз ҳақида дуо қилди. Мамлакатимиздаги ҳар бир хонадон аҳли бу дуога қўшилиб, футболчиларимизга зафар ёр бўлишини тилагани шубҳасиз.

Президентимизнинг спортчиларни қўллаб-қувватлаши алоҳида эътирофга лойиқ. Зеро, бу ўйинни тўлиқ томоша қилгани ва ушбу баҳсдан кейин ярим кечаси бўлишига қарамай, жамоамизни тарихий натижа билан телефон орқали табриқлагани, ўйлашимча,

юртимизда айни кунларда жуда катта хурсандчилик, байрам шуқуҳи кезиб юрибди. Ўтган ҳафта юртдошларимиз муқаддас Қурбон ҳайитини нишонлаган бўлса, арафа кунини футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати йўланмаси олгани байрамга муносиб туҳфа бўлди. Бу шунчаки воқеа эмас, балки бутун халқимиз узоқ кутган тарихий кун, мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги ислохотларнинг нақадар тўғри, самарали эканининг ёрқин далилидир.

юртимизнинг ҳар бир фуқароси юрагида жуда катта кўтаринчилик ҳамда ватанпарварлик руҳини уйғотди. Бу натижалар асло тасодиф эмас. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг айнан футбол йўналиши бўйича тизимли ислохотлари маҳсули, 38 миллион нуфусли ўзбекистонликлар узоқ кутган зафар бу.

Парламент аъзоси сифатида Президентимизнинг 2023 йил 7 апрелдаги “Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2023 йил 3 ноябрдаги “Футбол-таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда халқаро стандартларга мос келадиган футбол инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Футболни янада ривожлантириш, ёшларимизни спортнинг ушбу турига кенг жалб қилиш, футбол инфратузилмасини яхшилаш ва айниқса, малакали мураббийларни жалб қилиш, ёшларимиз учун футбол майдонларида замонавий шарт-шароит яратишга қаратилган мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон футбол ассоциацияси тизимда Миллий футбол маркази, Футбол бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби негизда Футбол терма жамоалари тайёрларлик маркази, шунингдек, Спорт тиббиёти ва реабилитация маркази ташкил этилди. Ҳар бир йўналиш, жумладан, футболга ҳам бу тарзда илмий-амалий жиҳатдан комплекс ёндашиш бугун

мана шундай юксак натижаларни тақдир этипти.

Ушбу воқеа нафақат спортчиларимиз, балки барча футбол мухлислари учун 30 йиллик орзулар рўёби бўлди. 2026 йилда АҚШ, Мексика ва Канадада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ватанимиз байроғи илк бор халқаро майдонда кўтарилади.

10 июнь кунини пойтахтимиздаги “Бунёдкор” стадионида миллий терма жамоамизнинг Қатар билан кечган гуруҳдаги сўнгги учрашуви ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Болгария Президентини Румен Радев, Словакия Бош вазирини Роберт Фицо ва бошқа бир қатор нуфузли меҳмонлар билан бевоқифа стадиондан туриб мухлислик қилган баҳсда йигитларимиз рақибини 3:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Бу натижалар ўзбек миллий футбол модели шаклланишини тасдиқлайди. Футболни омаллаштириш, ёш авлоднинг қизиқшини рағбатлантириш, ёшлар ўртасидаги U-17, U-20 ва U-23 терма жамоаларимизнинг халқаро майдондаги муваффақияти ҳам айнан футболга тизимли ёндашув самарасидир. Кўмитамиз томонидан жорий йил апрелда маҳаллаларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш ва спорт майдончаларидан фойдаланишни ташкил этиш бўйича қилинган ишлар ҳолати ўрганилди.

Ўрганишлар бугун мамлакат бўйича мингга яқин маҳаллада футбол майдончаларига эҳтиёж борлиги, ёшлар ўртасида спортнинг ушбу турига



БАХТЛИ ВА ҒУРУРЛИ ЎЗБЕК ОНАСИ

Бу ғалаба хотирамда умрбод муҳрлиниб қолади, десам асло адашмайман. Минглаб ватандошимиз қаторида мен ҳам ўша тарихий ўйинни — терма жамоамизнинг Қатар устидан 3:0 ҳисобидаги ажайиб ғалабасини стадионда туриб катта ҳаяжон билан томоша қилдим. Чунки бу ўйинда миллий терма жамоамиз дарвозасини ўғлим Ўткир Юсупов ҳимоя қилаётган эди.

Стадионга кириб келар эканман, ҳаяжондан юрагим гупиллаб уради. Атрофдаги ўн минглаб мухлисларнинг из-кўзидидаги ўша умид, ўша ишончни кўриб, ич-ичимдан фахрланиб кетдим. Аслида, шундай халқнинг фарзанди эканиндан, шундай юртда яшаётганиндан қанча гуруҳлансанг, шунча оз. Ҳали ҳақамнинг ўйинни бошлаб берувчи хуштаги янграмасданок бутун стадион йигитларни қўллаб-қувватлаб, ҳайқира бошлади. Бу шунчаки ҳайқирғиқ эмас, бутун миллиятнинг орзулари, умидлари жамланган нидо бўлиб туюлди менга.

Ўйин давомида ўғлим ҳар сафар тўпни ушлаганида, дарвозага яқинлашган хавфли вазиятларни бартараф этганида, юрагим ҳаққириб кетаверди. Бир кўзим майдондаги фарзандимда бўлса, иккинчиси мухлисларда эди. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини қанчалар ҳаяжон ва интиқлик билан кузатаётганини кўриб, ўғлимнинг ва жамоадолларининг елкасида қанчалар улкан масъулият турганини яна бир бор ҳис қилдим.

Ўғилларимиз гол урган лаҳзалардаги ҳиссиётни эса сўз билан таърифлаб беролмайман. Бутун стадион бир тану бир жон бўлиб, шодликдан ҳайқирарди. Ушунда

нафақат фарзандимнинг, балки бутун жамоанинг, бутун Ўзбекистоннинг онасидек ҳис қилдим ўзимни. Йигитларнинг ҳар бири ўғлимдек, жигаримнинг бир парчасидек эди.

Ўйин тугагач, Президентимизнинг шахсан майдонга тушиб, футболчиларни табриқлагани, уларга муқофотларни топширгани биз, ота-оналар учун ҳам унутилмас воқеа бўлди. Давлатимиз раҳбарининг фарзандларимизни алоҳида табриқлаб, миннатдорлик билдирганини кўриб, кўзимга ёш қалқиди. Бу шунчаки эътибор эмас, бу Президентимизнинг спортга, ёшларга, ватанимиз ҳар бир фидойий фарзандига юксак ғамхўрлигининг яққол намунаси эди.

Шу пайтда нафақат жаҳон чемпионатида чиққан терма жамоа дарвозабонининг, балки бахтли ва ғурурли ўзбек онаси сифатида фахрландим. Ўғлим ва жамоадолларига бутун халқимиз номидан раҳмат айтаман. Улар бизга шунчаки ғалаба эмас, бир олам қувонч, чексиз ифтихор ва эртанги кунга мустаҳкам ишонч ҳада этди. Йўлингиз доим очик, зафар сизга доим ёр бўлсин, азиз ўғлонларим!

Нигора КУРБАНТАЕВА,
Ўткир ЮСУПОВнинг онаси



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



қизиқши йилдан йилга ошиб бораётганини эътиборга олади.

Эътиборли жиҳати, тўрт йилдирки “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилаётган оммавий спорт мусобақалари 13 та спорт тури, жумладан, футбол бўйича ҳам ташкил этилмоқда.

Ушбу мусобақалар таркибида Давлат хавфсизлик хизмати махсус кубоги учун маҳалла ёшлари ўртасида футбол (ўғил болалар), мини футбол (ўғил ва қиз болалар ўртасида) бўйича мусобақалар ташкил этилаётгани, ўз навбатида, ёшларнинг жисмоний фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ушбу мусобақаларда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган ёшлар сони 2024 йилда 534 мингга ташкил этган бўлса, 2025 йилда 780 мингдан ошди.

Саудия Арабистонида U-17 ёш тоифасидаги ўртасида ўтказилган Осиё кубогида Ўзбекистон ўсмирлар терма

жамоаси ҳал қилувчи финалда ғалабага эришган.

Бу муваффақиятга муҳим ҳисса қўшганлар орасида жамоа дарвозабони Нейматулло Рустамжонов ва ярим ҳимоячи Муҳаммадали Ҳабибуллаев каби ёш қаҳрамонлар бор. Улар маҳалламизда истиқомат қилади. Йигитларга тақдир этилган Президент туҳфаси — “Кобалар” автомобили маҳалламиз кўчалари орқали ўтгани ёдимга тушди. Буни кўрган ёшларимизнинг кўзидеги ҳавас ҳамда футболга қизиқши қай даражада ошганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Бу наинки ғалаба, балки илҳом ва янги орзуларга етакловчи йўлдир.

Оиламизда ҳам футболга мухлислик аънанга айланган. Ҳафтада бир кун қариндошлар йиғилиб футбол ўйнайди. Бу нафақат саломатлик ва фаол турмуш тарзини шакллантиради, балки оилада бирдамлик ва аҳилликни ҳам мустаҳкамлайди.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЕЗУВИГА
АССОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.
36191 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусахҳих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 03:39 Топириди — 06:10